



ТИЛ ХЭМ ЭДЕБИЯТ

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИНИ ҰҚИТИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Тилеумуратова Г.Т.

*Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари
илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг
мустақил тадқиқотчиси*

Таянч сўзлар: қорақалпоқ адабиёт, завқ-ўйин, кўшиқ, халқ оғзаки ижода миф, афсона, ривоятлар, панд-насихат, урф-одат, қисса, хикоят.

Ключевые слова: каракалпакская литература, развлечение, песня, миф, легенда, повествования, совет, традиция, рассказ, повествование в народном устном творчестве.

Key words: karakalpak literature, entertainment, song, myth, legend, narratives, advice, tradition, story, narrative in folk oral creation.

Ҳозирги давр жаҳон адабиётшунослиги ютуқлари уфқларидан назар ташлаганда миллий адабиётлардаги жанрлар тадрижий тараққиёти ва типологиясини, адабий алоқалар, адабиётнинг жамият олдидаги муқаддас бурчи ҳисобланган инсон зотини маънан мукамаллаштириш ғояларини хусусан, болалар фольклори ва ёзма адабиётининг ўзига хос хусусиятларини, унинг бадиий-эстетик тамойилларию инсон бадиий тафаккурини ривожлантиришдаги ўрнини ўрганиш ҳамда адабиётнинг умуминсоний ва миллий қадриятларини акс эттириш даражаси ва ҳолатини баҳолаш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, жаҳон ҳамжамияти орасида катта нуфузга эга бўлди, беғараз демократик ҳуқуқий давлатга айланди ва иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий жиҳатлардан халқ турмуши бутунлай ўзгарди. Аммо, халқ ҳаётининг барча жабҳаларидаги тараққиёт бир текис, силлиқ тарзда амалга ошди, дейиш анча мушкул. Айниқса, халқ маънавий юксалишини таъмин этувчи китоб ўқишга бўлган интилиш ва қизиқиш бу даврда бирмунча сусайди. Бу ҳолат ёшларимиз орасида, айниқса, кучайиб ахборотни бошқа манбалардан олишга бўлган интилиш оддий воқеликка айланди. Шу сабабли



хам мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: “Энг муҳими, фарзандларимизда ёшлик чоғидан бошлаб китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантиришимиз, бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор”, деб таъкидлаган эди. Зотан, китоб асрлар оша инсониятни турли ёт таъсир ва тажовузлардан муҳофаза қилиб келаётган бебаҳо маънавий воситадир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, миллий мафкура халқ ҳаётини тўғри йўлга йўналтирувчи муҳим тарбиявий куч эканлиги эътироф этилиб, уни халқ онгини, эътиқодини шакллантирувчи ҳодиса деб қаралди ва бунга эришишда асосий восита бадиий адабиёт эканлигига алоҳида урғу берилди. Дарҳақиқат, жаҳонда инсон қалбини эгаллашга бўлган қизғин кураш кетаётган ҳозирги даврда болалар адабиётига бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу маънода ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялайдиган, уни маънан етук, жамият ва халққа нафи тегадиган, Ватанга фидокор, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ фарзанд қилиб шакллантирадиган болалар фольклори ва ёзма адабиётини илмий нуқтаи назардан ўрганиш адабиётшунослик фанида доим долзарблигича қолаверади.

Қорақалпоқ адабиёти ўқувчиларини тафаккрини ривожлантириш ўларни ўрганиш жаҳон адабиётшунослиги ва қардош халқлар болалар адабиётига бағишланган ишлар контекстида олиб қараш ва шу асосда мазкур муаммога ёндашиш ишнинг назарий ва амалий жиҳатдан пухта бўлишини таъминлайди. Шуни эътиборга олиб, бошқа халқлар болалар адабиётида мазкур масалаларга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган қуйидаги ишларни кўрсатиш мумкин. Чунончи ўзбек адабиётшунослигида болалар адабиёти муаммоларига бағишланган тадқиқотлардан П. Шермуҳаммедов, З. Адылова, А. Сафаров, С. Ирисхўжаева, Ҳ. Эгамов, Г. Джаҳангиров, И. Азимов, М. Жумабоев, С. Матчанов, Қ. Қахрамонов, З. Ибрагимова, Р. Баракаев, К. Турдиева, Д. Ражабов, Б. Жамилов, Б. Ашуров кабиларнинг, Доғистон болалар адабиётида Ф. Муҳаммедованинг, Татарларда Л. Мингазованинг, қозоқларда Д. Розиева, қирғизларда В. Вакульенко, удмуртларда Т. Волкова каби олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Ушбу илмий ишлар болалар адабиётининг назарий масалаларини, эволюциясини, жанр хусусиятларини ҳозирги давр нуқтаи назаридан ўрганишда бизга назарий асос вазифасини ўтайди.

Қорақалпоқ адабиёт шунослигида эса болалар фольклори ва ёзма адабиёти муаммолари бошқа халқлар адабиётшунослигига нисбатан очилмаган

қўриқ дейишга асос беради. Зотан, унда болалар адабиётига бағишланган синтезловчи катта монографик тадқиқотлар бутунлай кўзга ташланмайдди. Бу соҳада XX асрнинг 70-йилларида фақат И. Қурбонбоевнинг битта номзодлик диссертациясини С.Қазахбаевнинг илимий ишларин кўрсатиш мумкин. У ҳам болалар адабиётининг барча масалаларини қамраб ола олмаган тадқиқотдир.

Мустақиллик йилларида қорақалпоқ адабиёти баъзи масалаларига бағишланган Т. Мамбетниязовнинг, К.Палимбетов, З. Бекбергеноваларнинг касб-хунар коллежларига мўлжалланган дарслигини кўрсатиш мумкин. Уларда ҳам қорақалпоқ адабиётининг назарий масалалари, эволюцияси, жанрлари, поэтикаси масалалари кенг ёритилмади ва биз танлаган объект шу кунгача ўз тадқиқотини кутиб ётган муаммолар қаторида қолаверди.

Шу билан бирга Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодидаги болалар ўйинлари ижросида кенг амалда бўлган “Ҳақке қайда” завқ-ўйин қўшиғига уйғун ҳолда яратилган Я.Эжимовтың “Қонақ болдым айығўға” атамасидаги ўйин шеърида қуришимиз мумкин. Бундай савол-жавобдан мақсад болаларда башорат қилиш, кузатиш, тафаккурни ривожлантириш қобилиятларини ўстиришдан иборат бўлиб, ўйин шундай мушоира тарзида давом этади[2].

Халқ оғзаки ижодида “Ёлғон қўшиқлар” деб номланувчи қўшиқлар туркуми мавжуд. С. Зияўовнинг “Тазша баланың үкелери менен сәўбет” қўшиғи ҳам ўша қўшиқлар руҳида ёзилган.

Болада шундай қўшиқлар орқали унинг мантиқий фикрлаш қобилияти ўсади, ёлғон қўшиқ билан ёлғон эртакни қиёслайди, нима устида гап кетаётгани ҳақида фикр юритиб, воқеалар орасидаги фарқни билишга интилади. Ёлғон қўшиқлар комедияга, юморга яқин бўлади, тингловчи уни эшитгач, жилмайишга мойиллик билдиради.

Боланинг “Тушовини кесиш” одати қорақалпоқларда аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган урф-одатдир. Ёзма адабиётда бир қанча шоирлар, жумладан, Х. Сапаров, С. Аббазов, З. Заматдинов, Ш. Атамуратованинг бу одатга бағишлаб ёзган шеърлари бор[3].

Шундай қаторлар орқали болани ўзига қаратиб, унга мақтов сўзлари айтади, уни илҳомлантиради, руҳини кўтариб, ҳаётда тетик ва бахтли қаддам ташлашга ундайди, шеър оҳанглари эса унинг ҳаётга бўлган муҳаббатини оширади.

Қорақалпоқ халқига хос қадимий урф-одатлардан бири алладир (“Бесик жири”) дир. Алланинг бола тарбиясидаги роли бениҳоядир. Улуғ бобомиз тиб илмининг буюк султони Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида: “Тўдакнинг орзусини ижобат қилиш, ривожлантириш, учун унга икки



нарсани қўллаш зарур: биринчиси, болани астагина тебратиш, иккинчиси, ухлатиш учун одатга айланиб кетган, оҳанг билан алла айтиш. Шу иккисини қабул қилиш даражасига қараб боланинг жисми билан жисмоний тарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган қобилияти пайдо бўлади.”[1]

Адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино (Авиценно). «Канон врачебной науки» 1-китап. – Т ашкент. 300 б.
2. Эжимов Я. Ешкининг неге сақалы бар? Нөкис, «Қарақалпақстан». 2015, 64 б.
3. Kazaxbaev S.S. XX a`sirdin` aqiri XXI a`sirdin` basindag`i qaraqalpaq balalar a`debiyati evolyutsiyasi, janrlıq o`zgesheligi ha`m poetikasi. Monografiya. – Nukus: Bilim, 2016. – B. 160.

РЕЗЮМЕ

Сўнги йилларда мамлакатимизда қорақалпоқ адабиёт, санъат ва маданият, китобхонликка алоҳида аҳамият берилаётган бир пайтда қорақалпоқ адабиёти тадқиқига бағишланган илмий изланишнинг юзага келиши долзарб аҳамият касб этади. Бу мақолада Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодидаги болалар ўйинлари ижросида кенг амалда бўлган ижро этиладиган ўйин ва қўшиқларни кузатиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

В последние годы, когда каракалпакской литературе, искусству и культуре, чтению придается особое значение в нашей стране, актуальное значение приобретает появление научных исследований, посвященных изучению каракалпакской литературы. В данной статье можно наблюдать исполняемые игры и песни, которые широко используются при исполнении детских игр в каракалпакском фольклоре.

SUMMARY

In recent years, at a time when Karakalpak literature, art and culture, reading are being given special importance in our country, the emergence of scientific research dedicated to the study of Karakalpak literature is of urgent importance. In this article, performed games and songs that are widely used in the performance of children's games in Karakalpak folklore have been observed.